**Ушбу сонда:** 2 ПЕНСИОНЕРЛАР ДУО ҚИЛИШМОҚДА | 3 TV-ДАСТУРИ | 4 АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ БОЙЛИГИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 22 январ, шанба № 12 (844)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси биринчи йиғилишининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи йиғилиши 22 январ куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 22 январ соат 8.00 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

*Фахр*

# ПРЕЗИДЕНТ - ВАТАН ТИМСОЛИ

***Ўзбекистон Президентлигига сайлов куни эрта тонгдан шодон кайфиятдаги кишиларнинг сайлов участкалари томон оқиб келишлари хорижлик кузатувчиларни хайратга солганди. Бу аслида турли миллат ва ёшдаги фуқароларнинг севимли Президентлари Ислом Каримовга бўлган чексиз ҳурмати, юксак ишончи ва миннатдорчилигининг ёрқин ифодаси эди.***

***Хўш, мамлакатимизда давлатимиз раҳбарини барча нега бунчалик яхши кўради, у билан фахрланади, садоқатини амалий фаолият орқали намоён этишга интилади?***

***Турли соҳа меҳнатчилари, фахрийларнинг дил сўзлари ана шу саволга ишонарли жавоб бўла олади.***



- Ўзерингда яшаб кимларгадир муте бўлишдан, бош эгиб яшашдан ортиқ бахтсизлик йўқ, буни собиқ шўро даврида кўп сезганман, - дейди сариосиёлик боғбон Сафо ота Сафаров. - Ўшанда деҳқон пахтанинг қули эди. Жаннатмакон боғларимизда мевалар ғарқ пишиб, ерга тўкилиб исроф бўлиб ётсада, одамларни ҳосили қолмаган пахтазорга ҳайдашарди.

Яхши эслайман, нотўғри сиёсат туфайли ўзбекнинг фахри ҳисобланган ажойиб вино навли токларни бир кечада кестириб ташлашди. Ўттиз нафарга яқин кексалар елиб-югуриб бу гуноҳиазим ишнинг олдини ололмадик. Очиғи, бизни одам қаторига қўшишмади. Ўша кеча сочимга оқ оралаган бўлса-да хўнграб йиғладим, қадримизга ачиндим.

Одил, жасур, ҳар қандай шароитда ҳам халқим дейдиган Президентимиз раҳнамолигида мустақилликка эришдик. Барча қатори биз - деҳқонлар ҳам қаддимизни ғоз тутдик, унча-мунчага ўзимизни чўкитмайдиган бўлдик. Миллий ғурур қалбимизда жўш урди. Минг бор раҳматлар бўлсинким, суянган тоғимиз Ислом Каримов бизни бўҳронлардан омон-эсон олиб ўтди. Ўзбекистон гуллаб-яшнади, довруғи жаҳонга ёйилди. Қани энди бир вақтлар ўзбекни хўрлаган, менсимаганлар биз билан бир гаплашиб кўришсинчи, қурбилари етармикин?! Чунки энди кимнинг ким эканлигини яхши англаган, қўйни-қўнжи бахтга тўлиқ инсонлармиз. Дилимдаги гап: йигирманчи асрда Ўзбекистонга ҳеч кимнинг меҳнати Ислом Каримовчалик сингмаган. Биз бахтимизни, нурли келажагимизни шу улуғ инсон қиёфасида кўрамиз. Бир пиёла чойимизни, бир коса ошимизни тинчлик-хотиржамликда ичаяпмиз. Бу сўз билан таърифлаш қийин бўлган катта бахтдир.

- Собиқ иттифоқ емирилганидан сўнг бошқа қатор республикаларда бағоят мушкул аҳвол юзага келди, - дея фикрини ифодалайди Китоб тумани марказий шифохонаси ходими Зубайда Каримова. - Бозор шароитида ана шу мамлакатлардаги айниқса кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари қаттиқ қийналиб қолишганидан хабардормиз. Бироқ, мустақил Ўзбекистон Президенти дастлабки кунларданоқ етим-есирлар, ногиронлар ва умуман ёрдамга муҳтожларни мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олди. Давлатни бошқариш, муаммоларни ҳал этиш қанчалик қийин бўлмасин халққа қайишди, адолатни устун қўйди. Адолат сўзини бекорга ишлатганим йўқ. Оила-аъзоларим, қариндош-уруғларим билан Йўлбошчимизни ҳар куни дастурхон устида дуо қиламиз. Боиси, шу мўътабар инсон қатъиятлик, изчиллик кўрсатиб, Фармони олий эълон қилиб, қанчадан-қанча «Пахта иши» жабрдийдаларини қамоқдан озод этди, пок номларини тиклади.

Менинг отам Абдувоҳид Каримов вилоят миқёсидаги раҳбарлик ишларида халол фаолият юритган инсон. Бироқ, ўтмишда Гдлян ва Ивановлар уни ноҳақ айблаб, не кунларни бошига солишмади. Ўзбекистоннинг ўша кездаги раҳбарлари очиғи қўрқоқлик қилишди. Халқнинг ёнини оладиган мард топилмади. Бедодликни қарангки, «десант»чилар отангнинг бойлигини топиб бер, деб мени - аёл кишини ойлар мобайнида сўроқ устига сўроқ қилишди. Вақти келса устимдан кулишди. Ҳақ-ҳуқуқимиз оёқ ости қилинди, ўшанда. Барибир адолат тантана қилди. Бироқ, хурсандчилик кунларини отам кўролмади.

Шу боис биз каби ноҳақ хўрланган кишиларни ёруғликка олиб чиққан, қаддимизни тиклаган ҳурматли Президентимизни чин дилдан севамиз, у билан ҳақли равишда фахрланамиз!

Қизилтепалик миришкор, меҳнат фахрийси Алим Жабборов эътирофи:

— Мустақил Ўзбекистон улуғ йўлнинг бошидадир. Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар беқиёс даражада кўп. Бироқ келажакка умид ва ишонч янада буюкроқдир. Боиси, бошимиз узра оқил ва одил Президентимиз соябон. Ўзбекистон дея аталмиш мамлакат бутун дунё тарихига Аср инсони — Ислом Каримов номи билан бирга битилаётганини барча кўриб-билиб турибди.

Мустақиллик нақадар улуғ неъмат эканлигини мустақиллик йилларида чуқур ҳис этдик. Ўтмишда оёқ-қўли боғланган, ҳақ-ҳуқуқи чекланган кишилар эдик. Жаннатмакон юртда ҳамма нарса пахтага қаратилганди. Шу боис, «Марказ»га бизни кўпроқ қарам қилиш учун ҳунармандчилик цехларини, обжувозу мойжувозларни ҳам бирин-кетин тугатишди. Тузукроқ иморат қуриш учун Московнинг рухсатини олиш шарт эди. Сабзавот, мева-чева, узум, картошка етиштириш билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ғаллачилик тамоман эсдан чиққан. Ўшанда бирон кимса пахта майдонидан озгина қисқартириб, бошқа экин эксинчи, боши балога қоларди, пахта режасини бажармаган раҳбар ишдан кетарди.

Эркимизни қўлга олганимиздан кейин бошқа соҳалар ҳам гуркираб ривожланди. Биргина бизнинг Қосим Қобилов номли ширкат хўжалигида ғалладан ташқари, макка дони, шоли, сабзавот етиштириш сезиларли даражада кўпайди. Ўзимизнинг ажойиб консерва заводимизда бир вақтлар ерга тўкилиб чириган олхўри, олма, беҳилар қайта ишланиб, ажойиб неъматлар тайёрланмоқда. Муайян ойлар ичида бундан 10 миллион сўм даромад қилдик. Ишончимиз комилки, бундан буён ҳам Яратганнинг назари тушган ҳур Ўзбекистон ўз ютуқлари билан жаҳонни лол қолдираверади. Улуғ ва мўътабар ишларда ҳар биримиз камарбастамиз. Халқ суянган, юксак даражада эътиқод қўйган улуғ инсоннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланиши кучимизга-куч, кайфиятимизга-кайфият қўшди, унумли ва баракали ишлашга чорлади. Зеро, Президент — Ватан тимсолидир!

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноблари,

Давлат Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Сизни самимий муборакбод этаман.

Олий фаолиятингизни бажаришда немис халқи номидан Сизга омад тилайман.

Ўзингиз таъкидлаганингиздек, давлат ва жамият тузилишини эркинлаштириш, шунингдек, фуқаролар жамиятини барпо этиш Ўзбекистоннинг янги асрга қадам қўйишида бамисоли калитдир. Фақат демократик тамойиллар ва тартибларга риоя этиш ушбу соҳаларда муваффақиятларга эришиш негизи бўлиши мумкин. Сиз мана шу мақсадларни кўзлар экансиз, Германия тимсолида бундан буён ҳам ишончли шерикка эга бўлаверасиз. Олдингиздаги йўлни босиб ўтишда Сизга ва мамлакатингизга кўпдан-кўп эзгу тилакларимни йўллайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Йоҳаннес РАУ,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Ўзбекистон Республикаси халқига ўзимнинг энг эзгу истакларимни йўлламоқчиман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамламоқ учун Сиз билан ҳамкорлик қилиш ниятидаман. Кенг халқаро майдонда, шу жумладан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида бундан буёнги ҳамкорлигимизнинг истиқболи янада порлоқ бўлишидан умидворман. Янги муддатга Президент лавозимига сайланганингиз бу даврда сиёсий ҳамда иқтисодий ислоҳотлар дастурини олға силжитишга қатъий аҳд қилганингизни қизғин қўллаб-қувватлайман ва ишонаманки, бу ҳол Ўзбекистоннинг Европа ташкилотлари билан янада жипсроқ интеграциялашувида, шунингдек минтақа хавфсизлиги ва равнақини таъминлашда катта омил бўлади.

**Энтони БЛЕЙР,**
**Буюк Британия Бош вазири**

***

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз Зоти Олийларининг 2000 йил 9 январ куни бўлиб ўтган сайлов натижасида Президентлик лавозимига қайта сайланганингиздан ғоят мамнун бўлганимни ифода этиб, Сиз азиз қардошимни чин қалбдан қутлайман.

Ўзбекистон халқининг иродаси Сиз Зоти Олийларининг яна бир муддатга Президентлик лавозимига сайланишида намоён бўлди. Бу Ўзбекистон Республикасининг мустақилликдан буён Сиз туфайли қўлга киритган муваффақиятларининг ҳамда фаровонлик йўлида Сиз бошлаган саъй-ҳаракатларнинг халқ томонидан қўллаб-қувватланганлиги, деб биламан.

Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз остида муҳим тараққиёт йўлини босиб ўтган Ўзбекистоннинг XXI асрда дунёнинг фаровон мамлакатлари орасидан муносиб ўрин эгаллашига ишончим комил.

Сизнинг Президентлигингизнинг навбатдаги муддати давомида ҳам дўст ва қардош мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ва ҳамкорликнинг янада ривожланишига ҳеч бир шубҳам йўқ. Туркиянинг бугунга қадар бўлгани каби бундан буён ҳам доимо дўст ва қардош Ўзбекистон билан бирга бўлишини таъкидлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз номимдан ва Туркия халқи номидан Сиз Зоти Олийлари - азиз қардошимга соғлиқ ва бахт, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва омонлик тилайман.

**Сулаймон ДЕМИРЭЛ,**
**Туркия Президенти**

# БУХОРОДА ҲОСИЛ БАЙРАМИ

Ўтган хўжалик йили Бухоро вилояти деҳқонлари учун муваффақиятли якунланди. Пахтачиликда анчадан бери орзиқиб кутилган довон эгалланди. Ватан хирмонига 404 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли хом ашё етказиб берилди. Бошқача қилиб айтганда, мавжуд 129 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 31,2 центнердан оқ олтин йиғиштириб олинди. Бу улкан муваффақиятга Бухоро, Ғиждувон, Вобкент, Жондор туманлари пахтакорлари мақтаса арзигулик улуш қўшдилар. Ғалла ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам жиддий силжишларга эришилди. Яқинда Бухоро шаҳрида ўтказилган ҳосил байрамида ана шулар ҳақида гапирилди.

Тантанани вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Самойиддин Ҳусенов очди. У барча меҳнаткашларни вилоятда эришилган муваффақиятлар билан чин дилдан табриклади. Ўтган йилни юқори кўрсаткичлар билан якунлаб, вилоят мусобақасида ғолиблик қилган Вобкент туманига «Нексия», Бухоро туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигига «Дамас», Пешку туманидаги Йўлдош Эргашев номли жамоа хўжалигининг Муяссар Гурдиева бошлиқ бригадасига «Тико» енгил автомашиналари тантанали равишда топширилди. Шунингдек, бир неча илғор бригада жамоалари тракторлар билан тақдирландилар.

Санъаткорларнинг чиқишлари, кураш, қўчқор уруштириш, кўпкари мусобақалари тўпланганларнинг кайфиятини янада оширди. Айниқса, «Бухоро» ўйингоҳида машҳур полвонлар иштирокида бўлиб ўтган якунловчи кураш беллашувлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ўзининг эпчил ва чаққон ҳаракатлари билан рақиблари курагини ерга теккизган бухоролик полвон Ботир Хўжаев рангли телевизор билан тақдирланди. Сиддиқ Назаров, Хайрулла Насруллаев каби полвонлар ҳам қимматбаҳо совғаларни олишга муяссар бўлдилар.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Диққат: муаммо*

# ГАЗ БОСИМИ ПАСАЙДИ, ҚАРЗ ЭСА КЎПАЙДИ

***Январ ойининг иккинчи ярмидан бошлаб Наманган вилояти аҳолисининг уйларига узатилаётган газ ҳажми кескин камайди. Натижада вилоятнинг барча газлаштирилган туманларида ҳамда Наманган шаҳрида яшайдиган 80 мингга яқин хонадон газсиз қолди. Минглаб оилалар нафақат уй иситишда, балки ош-овқат тайёрлашда ҳам қийналмоқда.***

- Ишонасизми, чой қайнатиш учун баъзан ярим соат, баъзан ундан ҳам кўпроқ вақт кетади, - деди Наманган шаҳрининг «Исфархон» маҳалласида яшовчи Аҳмаджон Раупов. - Ваҳолонки, шаҳарнинг марказида яшаймиз. Дарвоқе, «Намангангаз» вилоят бирлашмаси идораси уйимизнинг ёнида жойлашган. Бироқ, бирлашма раҳбариятига ҳар қанча мурожаат қилмайлик, натижа бўлмади. Газимиз ҳамон кўпайгани йўқ.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири вилоят аҳлини табиий газ билан таъминлаш борасида юзага келган ушбу муаммо сабабларини аниқлаш мақсадида «Наманган-газ» вилоят бирлашмасининг бошлиғи Зоҳиджон Тожибоевга мурожаат қилди.

- Вилоятда табиий газ билан боғлиқ вазият ҳақиқатан ҳам мураккаб, - деди З.Тожибоев. - Бунинг асосий сабаби - магистрал газ қувурида босимнинг кескин пасайишидадир.

Таъминотчи - «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси билан тузилган шартномага кўра, газнинг босими ўртача 5-7 атмосферага тенг бўлиши керак. Бугунги кунда бу кўрсаткич 2-2,5 дан ошмаяпти. Босимнинг пастлиги туфайли газ қувурлари тўлмай қолмоқда. Бу эса, физика қонунларига мувофиқ ёқилғининг кўп сарфланишига олиб келмоқда. «Ўзтрансгаз» компанияси вакиллари шуни дастак қилиб, сизларга ажратилаётган газ ҳажмини тўлиқ олаяпсиз, демоқда. Амалда эса, келаётган газ шартномадаги ҳажмнинг 50-70 фоизини ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига кўра, вилоятни газ билан таъминлаш борасида юзага келган ҳолат билан танишиш мақсадида Наманганга ташриф буюрган ишчи гуруҳи юқоридаги фикримизни тасдиқлади.

Комиссия «Наманган-газ» вилоят бирлашмаси томонидан табиий газдан тежамли фойдаланиш бўйича барча чоралар кўрилаётганлигини тан олди. Вилоят марказида хонадонларга узатилаётган газнинг барқарорлигини таъминлаш учун туманларда мавжуд газ тармоқларини ҳалқалаш ишлари амалга оширилди. Ўнлаб саноат корхоналари бошқа ёқилғи турларига ўтказилди. Шунинг ҳисобидан аҳоли учун кунига 300 миллион кубометр газ тежашга эришилди.

Бироқ, комиссия аъзоларининг фикрича, аҳолини табиий газ билан барқарор таъминлаш учун бу чоралар етарли эмас. «Ўзтрансгаз» компанияси газ босимини оширмас экан, аҳвол ўнгланмайди.

- Тан олиш керакки, газ таъминотининг ёмонлашуви, - деди З.Тожибоев, - «Намангангаз» вилоят бирлашмасининг «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясидан қарздор эканлигида. Бу қарзнинг қиймати деярли миллиард сўмга тенг. Унинг 600 минги - аҳолининг қарзлари.

- Ушбу қарзни тўлатишга эриша олмаётган бўлсак ҳам, - деб давом этди у, - бир йилдан буён қарз ҳажмининг ошишига йўл қўймаяпмиз. Тизимимиз ходимлари мунтазам равишда хонадонларда бўлиб, вазиятни ўнглашга ҳаракат қилмоқда. Узоқ вақт мобайнида қарз тўламаётганларнинг газини ўчириб қўйиш чорасини ҳам кўряпмиз. Айримлари устидан ҳатто судга ҳам мурожаат этганмиз.

Дарвоқе, маҳалла фуқаролар йиғини бу борада амалий ёрдам бериши мумкин. Ҳукуматнинг махсус қарорига кўра, мазкур вазифа уларнинг зиммасига юклангани тасодиф эмас. Бу иш муваффақиятли амалга оширилса, аҳолиси ўз вақтида қарзини тўлаган маҳалладан тушган маблағнинг бир қисми мазкур маҳалланинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади. Кўплаб маҳалла фуқаролари йиғинлари, айниқса, қишлоқ жойларда бизга бу борада катта ёрдам бермоқда. Биз ҳам шунга яраша жавоб беряпмиз - 100 та маҳалла фуқаролари йиғини ҳисоб рақамларига 2 миллион сўмдан ортиқ маблағ ўтказдик. Айни пайтда вилоят марказидаги маҳаллалар фуқаролари йиғинлари фаоллари бизга бу масалада етарлича ёрдам бермаяпти. Ваҳолонки, вилоят аҳлининг газ учун тўламаган қарзининг деярли ярми - 250 миллион сўми Наманган шаҳри ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, одамлар газни тежашга ҳам кўникмаган, шекилли. Баъзан гугурт донасини тежашади-ю, кун бўйи газни ёқиб қўйишади. Бундай вазиятни ўзгартиришнинг самарали воситаси - газ сарфланишини назорат қилувчи счетчик ўрнатилишида. Бу борада дастлабки ишлар амалга оширилди. Яқин кунларда бирлашмамиз қошида газ ўлчовчи счетчиклар ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлайди.

Бир сўз билан айтганда, газдан фойдаланишга жиддий муносабатда бўлиш лозим. Шунда мураккаб вазият вужудга келмайди. Дарвоқе, Андижон вилоятида барпо этилган Хўжаобод ер ости газ омбори захираларидан Наманган вилояти эҳтиёжи учун фойдаланиш фақат келгуси йилдан амалга оша бошлайди. Қиш тугагунча, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси томонидан Наманган вилоятига йўлланадиган газ босимининг оширилишига умид қилишдан бошқа иложимиз йўқ.

**Назира ХЎЖАЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

## МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИНСОНПАРВАРЛИК СИЁСАТИНИНГ ЁРҚИН КЎРИНИШИ

## ПЕНСИОНЕРЛАР ДУО ҚИЛИШМОҚДА

***Бугунги кунда Жиззах вилоятида пенсия ва нафақа олувчилар сони 92998 кишини ташкил этади. Шулардан давлат пенсиясидагилар 81154 нафар, ижтимоий нафақачилар 10254 нафар кишидан иборатдир.***

Бунга кетадиган бир ойлик харажат миқдори 408923,2 минг сўм бўлиб, пенсиянинг ўртача миқдори 4397 сўмдир.

Ана шуларни ҳисобга олган тизимимиз ходимлари аҳолига пенсия қонунчилигини тарғибот қилиш борасида бир қатор ишларни амалга оширдилар. Хусусан ўтган йили жойлардаги ижтимоий таъминот бўлимларида 47 марта вакиллар иштирокида семинар, 621 маротаба лекция, суҳбат ва савол-жавоб кечалари ўтказилди.

Барча туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари қошида 158 та «Ахборот марказ»лари очилган бўлиб, олисда яшовчи фуқароларнинг талаб ва истаклари жойида ҳал этилмоқда. Масалан, бултур ана шу марказларга 4861 фуқаро мурожаат қилди. Улардан 1436 та пенсия, 664 та нафақа тайинлашга оид ҳужжатлар қабул қилиниб, ижобий ҳал этилди.

Қўшимча пенсиялар бериш бўйича ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Натижада 757 нафар қариялар қўшимча пенсия олиб турибди. Бахмал туманида 57 кишига қўшимча пенсия жорий қилинган бўлиб, улар учун ҳар ойда 46 минг сўмлик маблағ сарфланаётган бўлса, Дўстлик туманида 63 кишига 47 минг сўм қўшимча берилмоқда.

Вилоят ҳокимининг қарорига биноан кам таъминланган ва 100 ёшдан ошган 303 нафар фуқароларнинг ҳар бирига 300 сўмдан қўшимча пенсия жорий этилди. «Аёллар йили» муносабати билан 186 нафар кам таъминланган ва 1-гуруҳ ногиронларнинг ҳар бирига 500 сўмдан қўшимча пенсия тайинланди.

Президентнинг 1999 йил 17 майдаги «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан вилоятимиз ҳудудида ишлаётган ўрта ва кичик тиббий ходимлар, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик уй»ларидаги тарбиячилар, кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлари бўйича камида ўн йил иш стажига эга бўлган аёллар аниқланиб, улардан 67 нафари пенсияларини 1999 йил 1 июлдан тўлиқ олишмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан аниқ дастурлар асосида иш олиб борилмоқда. Ўтган йил давомида вилоят бўйича 1917 нафар аёлларга коммунал тўловларида имтиёз берилди. 38 нафари турли нашрларга бепул обуна қилинди. 3 нафарига ҳомийлар ҳисобидан ногиронлик аравачалари олиб берилди. 31 нафари сиҳатгоҳларга текин йўлланма билан таъминланди.

Умуман 4125 нафар аёллар шу каби имтиёзлардан фойдаланишди ва бунга 15 миллион 606 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз қариялар учун йил давомида 3502974,22 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Кам таъминланган оилаларга ёрдам уюштиришга туман, шаҳар ҳокимликлари алоҳида эътибор бераётганлиги кишини қувонтиради.

Ҳар бир байрам ва саналарда пенсионер, ногирон, кам таъминланган оилаларга алоҳида мурувват ёрдамлари кўрсатилмоқда. Масалан, «Қариялар куни»да 1328 кишига 1 миллион 495 минг сўмлик, «Ногиронлар куни»да 1910 кишига 3 миллиондан кўпроқ сўмлик миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу йил январ ойининг биринчи ўн кунлигини «Мурувват кунлари» деб эълон қилиниши муносабати билан вилоят ҳокимлиги томонидан 1-гуруҳ ногирон аёлларга 100 минг сўмлик, бошқармадан 50 минг сўмлик маблағ ажратилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Барча туман, шаҳар ҳокимликлари бу ишда ўз мурувватларини аямадилар. Биргина Пахтакор туман ҳокимлиги томонидан 5 нафар кам таъминланган оиланинг ҳар бирига 1тадан гилам, ун, гуруч, шакар, пахта ёғи берилди. 2000 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг ҳар бирига 1500 сўмлик совға-салом ажратилди. 13 нафар Чернобил ногиронларига ва ушбу ҳалокатда боқувчисини йўқотган оилага 173163 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Булардан кўриниб турибдики, халқимиз ғоят мурувватли ва саховатли. Ҳаммаси бўлиб 10691 кишига 14 миллион 339 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

**Сакина АЛМАМЕДОВА,**
**вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи.**

*Хатга эътибор - элга эътибор*

## АРИЗАЧИ ТАЛАБИ ҚОНДИРИЛДИ

Туманимизда ижтимоий хизматни ташкиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, биргина ўтган йили «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш» дастури асосида туман ҳокимининг 5 та қарори қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилди. 100 ёшдан ошган онахонлардан икки нафарига ҳар ойда 1000 сўмдан, 16 нафар 90 ёшдан ошган онахонларга 300 сўмдан, оиласида 2 нафардан ортиқ ногирон болалари бўлган оналарга ойига 500 сўмдан қўшимча пенсия тўлаб борилди. Ана шу мақсадлар учун маҳаллий бюджетдан 176 минг 400 сўм маблағ ажратилди. 501 оила коммунал хизмати тўловларидан 50 фоизга озод этилиб, шу мақсад учун туман хўжаликлари ҳисобидан 2 миллион 624 минг сўм маблағ сарфланди. Йил давомида 613 киши ана шундай имтиёзлардан фойдаландилар. Уларга 3 миллион 929 минг 202 сўмлик миқдорда пул ажратилди.

Ўтган йили туман ижтимоий таъминот бўлимига 194 та ёзма, 69 та оғзаки мурожаатлар қилинди. Уларнинг барчаси ўз вақтида рўйхатга олиниб, аризачиларга ёзма жавоб берилди. Масалан, «Ўзбекистон» хўжалигида истиқомат қилувчи пенсионер Абдушукур Рустамов бизга мурожаат қилиб, ҳозирда 2400 сўм миқдорида пенсия олишини ёзади. Аралашувимиздан сўнг аризачининг пенсияси миқдори ўзгарадиган бўлди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Фуқароларни қабул қилиш қатъий белгиланган тартибда бўлишига эришаяпмиз. Ана шунинг учун ҳам ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат билан келган ҳар бир фуқаро бу ердан кўнгли тўлиб, миннатдор бўлиб кетишмоқда.

**Назира ТАЙМУРОДОВА,**
**Мирзачўл туман ижтимоий таъминот бўлими етакчи мутахассиси.**



Тошкент шаҳар Юнусобод туман ҳокимлиги, аксарият корхоналарнинг мутасаддилари меҳр-мурувват тадбирларини изчил давом эттиришмоқда. Кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига совғалар улашилмоқда. Савоб ишдан тадбиркорлар, саховатпеша кишилар ҳам четда қолишмаяпти. Бу кишилар ўртасидаги меҳр-оқибатни янада кучайтирмоқда.

**Икром ҲАСАНОВ олган сурат.**

*Қарор ижроси билан кучли*

## ХОДИМЛАР НЕГА СОВУҚҚОН?

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилги ижрочилик интизомини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисидаги қарори туман ижтимоий таъминот бўлими кенгашида кўрилганди.

Лекин ушбу қабул қилинган ҳужжатнинг нечоғлик тўлиқ бажарилиши унинг қандай назорат қилинишига боғлиқ. Шу боис туманимизда белгиланган тартибда назорат варақалари юритилмоқда.

Бундан ташқари ижтимоий таъминот бўлими кенгаши ўзининг 1999 йил 1 декабрдаги мажлисида туманда қарор ва ҳужжатлар ижроси қандай таъминланаётганлиги борасида ўн бир ойлик аҳволи масаласини атрофлича муҳокама этди. Унда шу муддат ичида пенсия ва нафақалар тайинлаш ва тўлашда хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимлардан 2 нафарига интизомий жазо чоралари қўлланилди. Айни чоғда ижтимоий таъминот тизимининг юқори органларидан юборилган ҳужжатлар ўз вақтида рўйхатга олиниб, назоратга олинган ва ижроси таъминланмоқда.

**Хўжаназар САНАҚУЛОВ,**
**Бахмал туман ижтимоий таъминот бўлими мудирининг ўринбосари.**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## ШИФОХОНАГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРДИ

Газетамизнинг ўтган йил 13 ноябр сонида босилган мақолада Бандихон туманининг марказий шифохонасидаги аянчли аҳвол - хоналар таъмирталаблилиги, тиббиёт ходимларининг истеъмолга мутлақо яроқсиз бўлган ариқ сувидан фойдаланишга мажбур бўлаётгани, туғруқхона санитария талабларига жавоб бермаслиги каби камчиликлар танқид қилинган эди.

Бандихон тумани ҳокими А.Чоршанбиевнинг таҳририятимизга маълум қилишича, мақола юзасидан туман ҳокимлиги томонидан махсус ишчи гуруҳи тузилиб, ушбу мақолада кўтарилган масалалар атрофлича ўрганиб чиқилган. Шифохонанинг туғруқ бўлимида бўяш, тозалаш, пардозлаш ишлари билан биргаликда эски иситиш системаси ўрнига янгиси ўрнатилди.

Туғруқхона бўлими янги болалар чойшаблари, кўрпалар, матраслар, аёллар иссиқ халатлари билан таъминланди.

Туманда фаолият кўрсатаётган етакчи деҳқон-фермер хўжаликлари томонидан туғруқ бўлимининг беморларни қабул қилиш учун шарт-шароитини яхшилаш ва таъмирлаш учун 100 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, янги қурилаётган туғруқхона бўлимини жорий йилда ишга тушириш кўзда тутилган.

## НОГИРОНЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ МАРКАЗИДА

Жиззах шаҳрининг «Сайилжойи» маҳалласига жойлашган Ногиронларни реабилитация қилиш маркази беш қаватли ҳашаматли бинода бўлиб, унинг ҳовлиси дарахтзор билан ўралганлиги, саранжом-саришталиги киши эътиборини ўзига тортади. Бундай орасталик ичкарига қадам қўйишингиз билан оҳанграбодек кишини ўзига ром этади. Юксак дид ва маҳорат билан безатилган, гилам-поёндозлар тўшалган, диван, юмшоқ ўриндиқлар қўйилган узун йўлак бўйлаб юрар экансиз, дил-дилингиздан илиқ кечинмалар ўтади. Муҳими шундаки, ҳар бир қават, ҳатто хоналар касалликлар хусусиятига қараб ўзгартирилган.

Биринчи қаватда мустақил юра олмайдиган ногиронларга хоналар ажратилган. Палаталар ёруғ ва иссиқ бўлиб, уларнинг ҳар бири 2-3 кишига мўлжалланган. Шу қаватнинг ўзида 50 ўринли ошхона, қабулхона, рентген, лаборатория, массаж, реабилитация кабинетлари, тикувчилик, этикдўзлик, соатсозлик, телерадио устахонаси ишлаб турибди. Иккинчи қаватда саноқли хоналар бўлиб, уларда уруш ва Чернобил ҳалокати қатнашчилари жойлашган. Бу ерда кичик операция хонаси ҳам мавжуд. Учинчи қаватда жароҳатланиш оқибатида суяк хасталиклари билан оғриган беморларга жой ажратилган. Кутубхона, дам олиш хоналарида беморлар китоб, даврий нашрларни мутолаа қилиб, ҳордиқ чиқарадилар. Тўртинчи қават ички орган ва асаб касалликлари билан оғриган беморлар учундир. Бу ерда функционал-даволаш, ташхис кабинетлари, тренажер зали ишлаб турибди.

- Беморлар бизда 21 кунгача даволанишади, - дейди марказ директори Пўлат Алимов. - Шифокорлар хулосаси билан бу муддат узайтирилиши ҳам мумкин. 1999 йилда 540 ногирон реабилитациядан ўтказилди. Шундан 185 нафари қишлоқларда истиқомат қилувчи фуқаролардир. Кўриниб турибдики, вилоятимизнинг чекка қишлоқларида яшовчи ногиронларни марказимизга кўпроқ жалб этишимиз зарур. Бунинг учун марказимизга йўлланма олишни бир қадар соддалаштириб, вилоят тиббий-меҳнат экспертизаси комиссиясининг йўлланмаси жойлардаги шифохоналарга етказилган.

Марказда ногиронларни касбга йўналтиришга жиддий эътибор берилмоқда. Бунда олий маълумотли педагог М.Эргашева раҳбарлигидаги касб реабилитация бўлими фаолияти таҳсинга лойиқ. Мазкур бўлимда ўтган йил 516 нафар ногирон касб эгаллади. Айни кунларда Х.Бойназаров, Ш.Абдуллаев, Н.Ҳасанов каби усталарнинг жонбозликлари туфайли ногиронлар тикувчилик, соатсозлик, этикдўзлик, теле-радио устачилиги касбларини ўрганишмоқда. Вилоят меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш бошқармаси билан ўзаро яқин ҳамкорлик натижасида касб курсини битирган 30 нафар ногирон доимий иш билан таъминланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, беморларга ўз касбининг фидойи жонкуярлари бўлган шифокорлар, тиббий ҳамширалар хизмат қилишади. Улар жами 56 нафар. Ҳозирги кунда У.Мустафоев, Г.Ли, М.Насриддинов, Г. Ҳабибова сингари шифокорлар хизматидан кўпчилик миннатдор бўлишаяпти.

— Умуртқа поғоналарим ва бошим мунтазам оғрирди, - дейди форишлик уруш фахрийси Сайдалихон Акобиров. - Бу ерга келгач, ўзимни анча яхши сезаяпман. Дам олиш, дори-дармон, овқатланиш — ҳаммаси меъёрида. Шифокору ҳамшираларгача ширинсўз, одамохун кишилар экан. Умрларидан барака топишсин. Уларнинг барчасидан миннатдорман.

Марказ олдида муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, ўтган йили режадаги 16 миллион 429 минг ўрнига 9 миллион 237 минг сўмлик маблағ ажратилди. Шу боис қилиниши лозим бўлган бир қатор ишларнинг бажарилиши таъминланмади.

Шунга қарамасдан марказ жамоаси қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Улар вилоят соғлиқни сақлаш, даволаш-профилактика муассасалари ва ўзларига даҳлдор жамоалар билан яқин ҳамкорликда реабилитацияга муҳтож бўлган ногиронларни аниқлаб, уларни даволаш ишларини амалга оширмоқдалар.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# OLAMDA NIMA GAP

## ИНДОНЕЗИЯГА ЯНА БИР БАЛО КЎЛАНКА СОЛМОҚДА

Неча йилдан буён иқтисодий ва сиёсий беқарорликдан зада бўлган Индонезияда яна бир нохуш шарпа пайдо бўлди. Ўтган ҳафта АҚШ расмий вакиллари Индонезия армияси раҳбариятини давлат тўнтариши уюштиришдан тийилиб туришга чақирган эди. АҚШнинг БМТдаги расмий вакили Ричард Ҳолбрук Жакартада нашр этиладиган газеталарнинг бирига интервью бериб, «Индонезияда ҳарбийлар исёни эҳтимоли мавжудлиги ҳақида хабар бор, биз уни фавқулодда катта ташвиш билан қарши олдик», деди. Бундай ташвишли огоҳлантириш бошқа бир қанча давлатлардан ҳам маълум қилинган. Барча машмаша ана шундан кейин бошланди. Гап-гап билану, лекин Индонезия қуролли кучлари бош қўмондони адмирал Видодонинг «Тарихдан маълумки, Индонезия қуролли кучлари ҳеч қачон давлатга қарши исён кўтармаган» қабилидаги хушламайгина айтган сўзлари ушбу миш-мишлар борасидаги шов-шувни яна авж олдирди. «Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди». Индонезия жамоатчилиги ана шундан ташвишда.

Индонезия Президенти Абдураҳмон Воҳид эса бундай овозаларни рад этар экан, агар давлат тўнтаришига уриниш бўлса, унинг ташкилотчиларига қарши энг аёвсиз чоралар кўрилажагини эслатиб қўйди. У фитна хавфи борлиги ҳақида огоҳлантиргани учун АҚШ ва бошқа мамлакатлар раҳбарларига миннатдорлик билдирар экан, ташвишланишга ўрин йўқлиги, зеро вазият мамлакат раҳбарияти томонидан назорат қилиб турилганини маълум қилди.

Гарчи, овозаларга ишониш учун етарли асос бўлмаса-да, давлат тўнтариши ҳақидаги гап-сўзлар ўз «ҳосилини» бера бошлади. Президент Абдураҳмон Воҳид билан сиёсат ва хавфсизлик масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси генерал Виранто ўртасига совуқлик тушгани сезилди. Гап шундаки, генерал Виранто ва яна тўрт нафар ҳарбий раҳбар Шарқий Тиморда инсон ҳуқуқларини поймол қилиш ва бошқа ҳарбий жиноятларда айбланмоқда. Бунинг устига, уларнинг иши бўйича текширув-тергов ишларини бошлаган махсус комиссия Президент ва армия ўртасидаги қарама-қаршиликни кучайтириб юборди. Чунки, Президент Абдураҳмон Воҳид Шарқий Тиморда йўл қўйилган жиноятлар бўйича текширув ўтказиш тарафдори бўлиб чиқди. Табиийки, бу ҳарбийларга, жумладан, генерал Вирантога ҳам ёқмади.

Маҳаллий газеталарнинг ёзишича, Индонезия ташқи ишлар вазири Алви Шиҳаб куни кеча Нью-Йоркка жўнаб кетган. Мақсад - БМТ Бош котиби ва БМТ Хавфсизлик кенгаши аъзоларини Шарқий Тимор масаласида халқаро ҳарбий трибунал ташкил қилишга асос йўқлигига ишонтириш. Чунки, Шарқий Тимор иши бўйича халқаро трибунал ташкил этиладиган бўлса, Индонезиянинг энг обрўй ҳарбийлари айбланувчи сифатида жавоб бериши керак. Индонезия раҳбарияти эса буни истамайди. Чунки бу тадбир индонезияликлар шаъни ва миллий ғурурига путур етказади ҳамда ҳокимият ва армия обрўси тушиб кетишига сабаб бўлади.

Воқеалар оқимига назар ташланадиган бўлса, АҚШ ва умуман, халқаро ҳамжамиятнинг ташвишида ҳам жон бор, деган хулосага келиш мумкин. 200 миллионлик нуфусга эга, ҳудуди жиҳатдан ҳам дунёдаги энг йирик давлатларнинг бири бўлган Индонезияда, мана бир неча йилдирки, иқтисодий ва сиёсий беқарорлик ҳукм сурмоқда. Мамлакатнинг баъзи оролларида насронийлар билан мусулмонлар ўртасида қонли тўқнашувлар юз бераётган бўлса, айрим вилоятларида маҳаллий аҳоли ҳукумат сиёсатига норозилигини намойиш қилмоқда. Аҳвол шу даражада мураккабки, тартибсизликларни бостиришга ҳатто армия ҳам ожизлик қиляпти. Тартибсизликлар оқибатида халқ хўжалиги мисли кўрилмаган даражада зиён кўрди. Энди Индонезияда ҳарбий тўнтариш ҳам юз берса, бу нафақат мамлакат, балки Жанубий Осиё минтақаси барқарорлигига хавф солиши аниқ. Индонезия бу зарбага дош бера олармикан?

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

**П Р А Г А.** Чехиянинг «Шкода» автогиганти ёқилғини ўта тежамли сарфлайдиган «Фабиа» русумли автомобил ишлаб чиқаришни кўпайтириш ниятида. Шу йил охирига бориб бундай машина ишлаб чиқариш ойига бир ярим баробарга ўсади.

Ўтган йили декабр ойида ишлаб чиқарила бошланган «Фабиа» автомобилига ҳозир жаҳон бозорида талаб ортиб бормоқда. Айни пайтда «Шкода» Словакия, Германия, Марказий ва Ғарбий Европа мамлакатларидан ушбу русумдаги автомобилдан кўплаб сотиб олиш тўғрисидаги буюртмаларни қабул қилмоқда.

***

**Д Е Ҳ Л И. АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг шу йил март ойида Бангладешга расмий ташрифи бўлиб ўтади. Ташриф Б.Клинтоннинг Жанубий Осиё мамлакатларига сафари доирасида бўлади. Унинг аниқ муддати кейинроқ эълон қилинади. Бангладеш ташқи ишлар вазири Абдусамад Озод журналистларга шуни маълум қилди.**

***

**Г А В А Н А.** 24-29 январ кунлари бу ерда иқтисодчиларнинг иккинчи халқаро анжумани бўлиб ўтади. Унда 60 мамлакатдан мутахассислар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этади.

Тадбирда «учинчи дунё» мамлакатлари глобаллашув жараёнидаги муаммоларни бартараф этиши учун дунёнинг янги молиявий «тарҳи»ни яратиш масаласи ўрганилади. Шунингдек, анжуман иштирокчилари жаҳон савдо тизимининг тузилиши ва ундаги ўзгаришлар хусусида фикр алмашади.

***

**К У А Л А - Л У М П У Р. Малайзия иқтисодий тадқиқот институтининг маълум қилишича, жорий йилда мамлакатда иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 6 фоизга етиши кутилмоқда. Институт директори Муҳаммад Аливнинг таъкидлашича, айни пайтда мамлакат иқтисодиётидаги хусусий секторга жалб қилинаётган сармоя ҳажми ошмоқда ҳамда бу секторда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи талаб ўсиб бормоқда.**

***

**А Н Қ А Р А.** 20 январ куни Грузия ташқи ишлар вазири Ираклий Менагаришвили бошчилигидаги делегация аъзолари Боку-Тбилиси-Жайҳон нефт қувури лойиҳасини амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиш учун амалий ташриф билан Туркия пойтахтига келди. Шу куни грузиялик меҳмонлар Туркия ва Озарбойжон мутахассислари билан музокара ўтказди.

21 январ куни Анқарада уч томонлама учрашув бошланади. Унда Каспий денгизидаги нефтни Туркия ҳудуди орқали жаҳон бозорига олиб чиқиш борасида Боку-Тбилиси-Жайҳон қувури қурилиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

Ушбу лойиҳа битими ЕХҲТнинг ўтган йили ноябр ойида Истанбулда бўлиб ўтган саммити чоғида имзоланган эди.

**(ЎзА)**

OLAMDA NIMA GAP

